

**ТАСДИҚЛАНГАН**  
**«БЕКБОДЦЕМЕНТ» АЖ**  
**акциядорларининг умумий йиғилиши**  
**қарори билан**  
**«30» 06 2016 й.**  
**№1-2016-сонли баённома**

**«БЕКБОДЦЕМЕНТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**  
**ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА**  
**НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>	<b>3</b>
<b>II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ</b>	<b>4</b>
<b>III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ</b>	<b>5</b>
<b>IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК</b>	<b>7</b>
<b>V. АХБОРОТНИ ОШҚОР ЭТИШ ТАРТИБИ</b>	<b>7</b>
<b>VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</b>	<b>8</b>

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «БЕКОБОДЦЕМЕНТ» акциядорлик жамиятининг мазкур низоми (матн бўйича кейинги ўринларда «Низом») Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига, «БЕКОБОДЦЕМЕНТ» акциядорлик жамиятининг (матн бўйича кейинги ўринларда «Жамият») уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ривожлантириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва Жамиятнинг бошқа меёрий ҳужжатларига мувофиқ тузилган.

Мазкур Низомда «БЕКОБОДЦЕМЕНТ» АЖ дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ифода топиши зарур бўлган умумий масалалар кўрилади.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини юксалтириш ва Жамият капиталлашуви ўсиб боришини таъминлашга йўналтирилгандир. Низом акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор этиш мақсадини кўзда тутди.

Мазкур Низом акциялар бўйича дивидендлар миқдорини аниқлаш ва уларни тўлаш тартиби юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ёндашувини белгилаш учун мўлжалланган.

Агар Жамият акциядорларига дивидендларни тўлашга оид бирон масала Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меёрий ҳужжатлари, Жамият устави ҳамда макур Низом билан тартибга солинмаган бўлса, улар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши шарт.

3. Мазкур дивиденд сиёсати 2020 йилгача бўлган муддатга ишлаб чиқилган.

АЖ ушбу муддат ичида соф даромаднинг 25 фоизини дивидендларни тўлаш учун йўналтиришни мақсад қилиб қўйган. Қолган маблағлар даромадлиги ва энергия самарадорлиги 20 фоиздан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳасини (қайси лойиҳа экани кўрсатилади) амалга оширишга йўналтирилади (агар бир неча лойиҳа бўлса, ўртача даромадлилик кўрсатилиб, инвестиция лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари, яъни тармоғи ва соҳаси, инвестицияларнинг ҳажми, ТЭА ва ЛСХ бўйича даромадлиги ёритилган сайт ҳавола қилинади).

4. Жамият капиталлашувни мунтазам ўстира борилишини акциядорларнинг Жамият акциялари ҳисобидан даромад олиш бўйича мулкый манфаатдорлигини қаноатлантиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди. Дивиденд сиёсати Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинаётган ва капиталлаштирилаётган қисмлари ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлашдан иборат.

5. Жамият дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шаффофлик тамойили: дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги ахборотни, жумладан,

дивидендларни тўлаш ва уларнинг миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш тартибини аниқлаш ва очиб беришни назарда тутади;

замонавийлик тамойили: дивиденд тўловларини амалга оширишда вақт чегарасини белгиланишини кўзда тутади;

асосланганлик тамойили: бу тамойил дивидендларни тўлаш ва миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фақат Жамият томонидан ривожланиш режаларини ва унинг инвестиция дастурларини ҳисобга олинган, жамиятнинг ҳақиқий молиявий аҳволдан келиб чиққан ҳолда баҳоланган ижобий молиявий натижалар асосида қабул қилинади;

адолатлилик тамойили: акциядорларнинг дивидендларни тўлаш, миқдори ва тартибини белгилаш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида ахборот олиш бўйича тенг ҳуқуққа эга эканликларини назарда тутади;

изчиллик тамойили: дивиденд сиёсати таомиллари ва тамойилларининг қатъий бажарилишини кўзда тутади;

ривожланиш тамойили: дивиденд сиёсатини корпоратив бошқарув таомилларини янанда яхшилаш доирасида мунтазам такомиллаштириб боррилишини ҳамда Жамият стратегик мақсадларининг ўзгариши муносабати билан унинг қоидалари қайта кўриб чиқилишини назарда тутади;

барқарорлик тамойили: Жамиятнинг дивиденд тўловларини барқарор даражада ушлаб туришга бўлган интилишини ифодалайди.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) Жамиятнинг ҳуқуқи сирасига киради. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7. Эълон қилинган акцияларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади.

Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ҳисобварақларга ўтказиш, почта харажатлари) бошқарув органларининг қарори билан дивиденд олувчи акциядор зиммасига юкланиши мумкин эмас. Жамият ушбу мажбуриятни бажармаганлиги учун акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка эга.

8. Дивидендлар қуйидаги ҳолларда ҳисобланмайди ва тўланмайди:

жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

Жамиятнинг ўзи томонидан қўлга киритилган ва/ёки сотиб олинган акциялар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

9. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 54-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Жамият акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

## II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

10. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, бундан 8-бандда кўрсатилган ҳолатлар истисно этилади.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивидендлар тўланиши муносабати билан маблағларни айланмадан чиқариб олиниши сабабли Жамият молиявий ҳолатининг ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида Жамият томонидан жамият даромадлари ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарздорлиги бўйича заҳира ташкил этилади.

11. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши жамият акциядорларининг умумий йиғилишига дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисида ўз тавсияларини тақдим этади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

12. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қароридан куйидагилар белгилаб қўйилиши шарт:

дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) турлари;

муайян турдаги битта акцияга тўланадиган дивиденд миқдори;

дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда Жамият қонунчиликда белгиланган ҳолатларда, шунингдек оддий акциялар бўйича дивидендларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш имконияти мавжуд бўлмаганда дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

13. Акциядорлар умумий йиғилишига Кузатув кенгаши томонидан дивидендларнинг тўлаш учун тавсия этилаётган миқдори куйидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:

ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган молиявий ҳисоботга мувофиқ белгиланган соф фойданинг миқдоридан;

Жамиятнинг истиқболга белгиланган молиявий-хўжалик режаларидан;

Жамиятнинг тегишли давр охирида мавжуд бўлган айланма маблағлари таркибидан;

Жамиятнинг тегишли давр охиридаги қарздорлик юкланмасидан.

14. Тавсия этилаётган дивидендлар миқдорини аниқлашда Жамиятнинг кейинги даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик режаларини, айланма маблағларининг ҳамда Жамият мажбуриятларининг жорий ва келгуси аҳволини ҳисобга олиш зарур. Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган дивидендларнинг тўланиши Жамият томонидан

кўшимча қарзга молиялаштириши ёки кейинги давр учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режаларида кўзда тутилмаган бошқа харажатларни келтириб чиқармаслиги шарт.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

15. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлаши мумкин. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган акциядорнинг ёзма аризасига муовфиқ жамият унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага конвертация қилиб, норезидент-акциядор тақдим этган ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши даркор.

16. Дивидендларни тўлаш муддати жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади, аммо шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

17. Агар Жамият қимматли қоғозларининг эгалари ҳисобланган дивидендларни акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган муддат ичида олмасалар, Жамият бундай (талаб қилинмаган) дивидендларни тўлашни давом эттиради. Талаб қилинмаган дивидендларни тўлаш даври Жамият томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун ажратилган муддат тугагидан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

18. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги шарт.

19. Жамиятнинг ўзининг вазифалари қаторида акциядорлар билан иш олиб бориш учун ҳам жавобгар бўлган таркибий тузилмаси Жамиятнинг бухгалтерияси билан бирга Жамият томонидан дивидендлар тўланишини таёрлаш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш ишларини макур Низомда кўзда тутилган тартибда бажаради.

20. Ҳар бир акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш, дивидендлар суммасини солиққа тортиш ва тўлаш тартиби масалаларида ахборот тақдим этишни сшсраб мурожаат этишга ҳақли.

21. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

22. Агар акцияларга ҳиссадорлик асосида эгалик қилинаётган бўлса, дивиденд акциядорлар ўртасида уларнинг ҳиссасига мутаносиб равишда белгиланган тартибда тақсимланади.

23. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ва/ёки Марказий депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга

етказилган зарар учун Марказий депозитарий ва/ёки акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди.

24. Агар акциядор дивидендларни ўтказиб бериш учун ўз банк реквизитларини ёки манзилни нотўғри кўрсатган бўлса, ёки ушбу реквизитларни банкка тақдим этмаган бўлса, шу муносабат билан акциядорга етказилган зарар учун Жамият жавобгар ҳисобланмайди. Акциядорнинг мазкур бандда қайд этилган айби сабабли нотўғри ўтказилган дивидендлар Жамиятга қайтарилганидан кейин, уни қайтадан акциядорнинг аниқлик киритилган реквизитига ўтказиб бериш дивидендни қайтариб олиш ва такроран жўнатиш харажатларини ушлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

25. Жамият акциядорларга тегишли акциялар юзасидан даромадларни тўлаш билан айна вақтда солиқ агенти бўлиб ҳисобланади ва ҳисобланган дивидендларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қимматли қоғозлардан олинган даромадалрни солиққ тортиш бўйича белгиланган солиқларни чегириб олган ҳола тўлайди. Солиққа тортишнинг стандарт ставкалари бўйича имтиёзга эга акциядор бунини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатларни Жамиятга (улар учун жалб этилган Тўлов агентига) тақдим этиши зарур.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

26. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

27. Дивидендларни тўлаш чоғида акциядорлардан ҳеч бири тўлов муддатлари бўйича имтиёзга эга бўлмайди.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган акцияларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга нисбатан тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳолда йирик акциядорларга дивиденд тўланиши миноритар акциядорларнинг дивидендларини белгиланган муддатларда тўланишига зиён етказадиган бўлса, йирик акциядорларга дивиденд тўловларини амалга оширишга ҳақли эмас.

28. Жамият ижроия органи жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгардир. Ижроия органи фаолияти устидан назорат Кузатув кенгаши томонидан Жамият тафтиш комиссияси билан биргаликда амалга оширилади.

29. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўловининг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилади. Дивидендлар ижроия органи айби билан ўз вақтида ёки тўлиқ тўланмаган ҳолатларда Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли жарималарни қўллайди ёки қўланишини ташкил этади.

30. Жамият томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик ҳолатида, акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўланишини суд тартибиде талаб қилишга ҳақлидир.

31. Жамиятга дивидендлардан солиқ суммасини ушлаб қолиш ва ўтказиб бериш бўйича солиқ агенти сифатида юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## **V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ**

32. Мазкур Нзом, шунингдек унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият томонидан Интернет тармоғидаги жамиятнинг корпоратив веб-сайти орқали жамият бошқарув органи мажлисининг тегишли қарор қабул қилинган баённомаси имзоланганидан кейин ўн кун ичида эълон қилинади.

33. Акциядорлар умумий йиғилиши тосмонидан дивидендлар тўланиши тўғрисида қабул қилинганда, Жамият ахборотни муҳим далил тўғрисидаги маълумот сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади. Бу ҳола Жамият томонидан акциядорларнинг электрон почтасига уларга ҳисобланган дивиденд тўғрисида хабарнома юборилади.

34. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисидаги ахборотни муҳим далил тўғрисидаги маълумот сифатида Жамият тегишли маълумот сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

35. Мазкур Нзом, шунингдек унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

36. Мазкур Нзомга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият ички аудит хизматининг, Жамият ижроия органининг таклифларига мувофиқ киритилади.

37. агар мазку Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Уставада белгиланган меёрлар асосида тартибга солинади.